

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Авазбек Мирзаев,
Андижон давлат университети,
«Жаҳон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси,
doniyorbek.mirzaev@mail.ru

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Avazbek Mirzaev, ISSUES OF COTTON TRADE AND FIBRE TRANSPORTATION TO THE METROPOLIS IN THE FERGANA VALLEY. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.42-47

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582919>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустамлака даврида Фарғона водийсида пахтачиликнинг ривожлантирилишини айрим масалалари баён этилган. Фарғона вилоятида фаолият юритган ширкатлар томонидан пахтани сотиб олинishi ва толани метрополияга ташиб кетилиши жараёни архив ҳужжатлари асосида қисман таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ширкат, шартнома, далолатнома, бўнак, вексел, фармойиш, бюллетень, пуд.

Авазбек Мирзаев,
Старший преподаватель кафедры
«Всемирная история»,
Андижанский государственный университет,
doniyorbek.mirzaev@mail.ru

ВОПРОСЫ ТОРГОВЛИ ХЛОПКОМ И ТРАНСПОРТИРОВКИ ВОЛОКНА В МЕТРОПОЛИЮ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье освещены отдельные вопросы развитие хлопководства в Ферганской долине в колониальный период. Процесс приобретение хлопка и транспортировки волокна в метрополию фирмами, действующими в Ферганской области, частично анализируется на основании архивных документов.

Ключевые слова: Фирма, договор, акт, аванс, вексель, циркуляр, бюллетень, пуд.

Avazbek Mirzaev,
Senior Lecturer in World History,
Andijan State University,
doniyorbek.mirzaev@mail.ru

ISSUES OF COTTON TRADE AND FIBRE TRANSPORTATION TO THE METROPOLIS IN THE FERGANA VALLEY

ABSTRACT

The article focuses on certain issues of the development of cotton farming in the Ferghana Valley during the colonial period. The process of purchasing cotton and transporting fiber to the metropolis by firms operating in the Ferghana region is partially analyzed on the basis of archival documents.

Index Terms: Firm, contract, act, advance payment, bill, circular, bulletin, pood.

1. Долзарблиги:

Чоризм мустамлакаси даврда, Туркистон ўлкасининг Фарғона вилоятида пахтачиликнинг ривожланиши тарихи мавзуси мустақиллик давридаги бир қатор адабиётларда батафсил ва холисона ёритилган. Ушбу мақола, мазкур масаланинг айрим жиҳатларини манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан илмий жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланади.

Тадқиқот ишининг долзарблиги, Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланаётган, мустамлака даврида Туркистон ўлкасида фаолият юритган нодавлат муассасалардан бири, Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкатининг фаолиятига тегишли бўлган, Фарғона вилоятида пахта савдоси ва пахта хом ашёсининг ташиб кетилишига оид ҳужжатли материаллардаги маълумотларни манбашунослик нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этиш орқали ушбу масалаларини ўзаро алоқадорлигини ўрганиш билан белгиланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумбашарий эътироф этилган тарихий тадқиқот усуллари - тарихий-хронологик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёзилган. Унда Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкатининг XX-аср бошидаги фаолияти архив ҳужжатларини таҳлил этиш орқали ёритилган.

Мавзуни ўрганилганлик масаласида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтган давр мобайнида Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона водийсида пахтачиликнинг ривожланиши тарихига оид бир қатор илмий адабиётлар яратилди. Атоқли тарихчи олим, профессор Ҳамид Зиёевнинг “Ўзбекистонда пахта яккахоқимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари)”. (Тошкент. 1999); “Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси (Тарихнинг долзарб масалалари)”. (Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 2000); “Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари)”. (Тошкент, “Шарқ” 2006); ва профессор Абдумалик Раззоқовнинг “Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). (Тошкент, “Ўзбекистон” 1994); каби асарларида, шунингдек, муаллифлар жамоасининг “Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши” (Тошкент, “Шарқ”, 2001) монографиясида чоризм мустамлакачилиги давридаги пахтачилик тарихининг айрим жиҳатлари тарихийлик, илмий холислик нуқтаи назаридан ўрганилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистон ўлкасини, Россиянинг марказидаги тўқимачилик фабрикалари учун пахта хомашёси базасига айлантиришдан манфаатдор бўлган подшо ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган рус буржуазияси, Фарғона вилоятида ҳам бир қатор савдо-саноат ширкатларига эга бўлган. Пахта савдоси билан шуғулланган “Ярославл Катта мануфактураси савдо-саноат ширкати”, “Потеляхов савдо-саноат ҳиссадорлик ширкати”, “Ака-ука Крафтлар савдо уйи”

сингари акциядорлик жамиятлари ўлкадаги бошқа вилоят ва уездлари сингари Наманган уездида ҳам ўз контораларига эга эди. 1909 йилда Наманган шаҳридаги пахта тозалаш заводи негизида ташкил этилган Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкати ҳам пахта хом ашёсини сотиб олиш, қайта ишлаш ва пахта толасини сотиш ҳамда империя марказига жўнатиш билан шуғулланган. Мазкур Ширкат фаолиятига тегишли 214-фонд материалларида турли фирмалар, савдо уйлари ва техник конторалар билан ишлаб чиқаришни хом ашё, машиналар ва ёнилғи билан таъминлаш хусусидаги ёзишмалар; пахта ёғи, пахта чигити ва совун билан савдо ҳақидаги, Кўкон биржа комитетининг циркулярлари, Ўрта Осиёнинг турли худудларида пахта экинининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар учрайди.[1, С.124-128]

Тарихчи олима Н. Потапованинг таъкидлашича, Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкати фонди ишлаб чиқариш характеридаги манбаларга мансуб бўлиб, ишга алоқадор бўлган хат-хужжатлар, телеграммалар, депешалар, меморандумлар, банк операцияларининг касса китоблари, пахта хом ашёсини қабул қилиш бўйича маълумотлар мавжуд китоблар, пахтага бозор нархларининг ҳолати бўйича бюллетенлар, йиғилишлар баённомалари, шунингдек фирма ва компаниялар аъзолари рўйхатлари мавжуд хужжатлар ташкил этади.[2, С.58-59]

Ширкатнинг низоми 8 та параграфдан иборат бўлиб, Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкати тегишли, Наманган шаҳрида, Наманган уездидаги Караскан қишлоғида, Фарғона темир йўлидаги Кўғай станциясида жойлашган битта ёғ-мой ва битта совун ишлаб чиқариш ҳамда учта пахта тозалаш заводларида пахта хом ашёсини тозалаш ва толасини сотиш, пахта чигитидан ёғ олиш, совун ишлаб чиқариш ҳамда мазкур маҳсулотлар билан Россия ва чет элда савдо-сотик қилиш учун пахта тозалаш, ёғ-мой ва совун ишлаб чиқариш заводлари Акциядорлик жамиятининг Наманган шаҳридаги “Ширкати” номи остида таъсис этилган.

“Ширкат” акциядорлик жамиятининг асосчилари Наманган шаҳридаги пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкати эгалари, Наманганда яшовчи: Ака-ука Юсуфбой, Бойдада ва Эгамберди Матмусабоевлар, Нуритдин Муҳитдинов, Бойбобо Тошбоев ва Бойхон Шокирбоевлар ҳисобланган.

Келгусида жамиятга, унинг мақсадига мос равишда Россия ва чет элда саноат ва савдо муассасалари, пахта плантациялари, тажриба пахта майдонларини сотиб олиш, конторалар ва омборлар очиш, зарур кўчмас мулкни ижарага олиш ва сотиб олиш ҳуқуқи берилган. Жамиятнинг асосий маблағи 4.000.000. рубл этиб белгиланиб, ҳар бири 1000 рублдан иборат 4000 та акцияларни ташкил этган. Мазкур акциялар жамият аъзолари бўлган шахсларнинг ўзаро келишувига биноан улар ўртасида тақсимланган.[3, В. 50-51]

Одатда, чистачи ва фирмаларнинг вакиллари қарз беришдан олдин ҳар бир хўжаликнинг таъминланиш даражаси, ернинг ҳосилдорлиги ва, умуман, унинг пахта етиштириш имконларини аниқлаганлар. Ушбу хўжаликдан пахта олишга ишонч ҳосил қилингандагина қарз пули расмийлаштирилган. Бу ҳақдаги хужжатлар қозининг муҳри билан тасдиқланган. Кўп ҳолларда қарз пулининг 50 фоизи эрта баҳорда, қолган қисмлари эса ёзнинг ўртасида ва теримдан кейин берилган. Қарздорлик хужжатида биноан, ҳар бир хўжаликка ўзи етиштирган пахтани фақат қарзга пул берган шахсга сотиш шарт эди.[4. Б. 133-134]

XIX асрнинг 90-йилларида Фарғона вилоятида Эрон ва Ўрта Осиёда савдо-саноат, Л. Кноп, Алексеев, Познанский (Лодз), Ярославль мануфактураси, Панфин, Аренс ва Комп, Сальев, Швецов, Шмидт ва Комп, Мейеркарт, Рабенек ва Рябушинский фирмалари пахта билан савдо қилганлар.[5. Б. 183] Илмий адабиётда баён этилган ушбу маълумотни ўрганилаётган мазкур фонд хужжатларидаги маълумотлар билан таққосланиб, қиёсий таҳлил этилганда ҳолисона хулосага келиш мумкин.

Жумладан, Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкати тегишли Кўғай пахта тозалаш заводида пахта етказиб бериш бўйича тузилган ва «Эрон ва Ўрта Осиёда савдо-саноат Ширкати»га топширилган шартномалар рўйхатида ушбу хужжат

тузилган сана ва ой, пахтани сотувчиларнинг фамилияси ва исми ҳамда яшаш манзили, пахтани пуд ҳисобидаги миқдори, аванс яъни бўнак, пахта учун олдиндан тўланадиган пул миқдори ва вексель яъни қарз ҳужжати, пул қарз олганлик ҳақидаги тилхатлар миқдори қайд этилган. Масалан, Андижон уезди Хақулбод волости Қўғай қишлоғида яшовчи Муҳаммадсобир Муҳаммадтурдиев билан 1917 йил 24-январда тузилган шартномага кўра, у 500 пуд пахта етказиб бериши учун олдиндан аванс тариқасида 1000 рубл олгани ҳамда яна 1000 рубл қарз олганлиги ҳақида вексель берган. Хусусан, Андижон уезди Балиқчи волости Эски Хақулбод қишлоғида яшовчи Деҳқонбой Мавлонқулбоев билан 1917 йил 10-январда тузилган шартномага кўра, у 1000 пуд пахта етказиб бериши учун олдиндан аванс тариқасида 1000 рубл олгани ҳамда яна 1000 рубл қарз олганлиги ҳақида вексель берган Шунингдек, Андижон уезди Хақулбод волости Бўзўлмас қишлоғида яшовчи Соликарвон Муҳаммадғозибоев билан 1917 йил 31-январда тузилган шартномага кўра, у 5000 пуд пахта етказиб бериши учун олдиндан аванс тариқасида 5000 рубл олгани ҳамда яна 5000 рубл қарз олганлиги ҳақида вексель берган.[6, В. 42-44]

Мазкур 214-фонд материаллари орасидан, шунингдек, 1916 йил 12-августдан 1917 йил 3-октябргача бўлган вақт мобайнида пахта хом ашёсини сотиб олиш бўйича тузилган шартномаларнинг рўйхати, савдо битимлари, шартномалар, далолатномалар, турли ҳисоботлар ва бошқа ёзишмалар кўринишдаги архив ҳужжатлари ўрин олган. Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкатининг телеграммалар учун адреси яъни манзили “Ширкат” деб номланган.

Ушбу фонд материалларида қайд қилинишига кўра, 1916 йилда Ширкат томонидан “Вадьяев савдо-саноат ширкати” га нархи 410410 рубл. 67 коп.бўлган 13508 пуд 65 фунт миқдорда 1485 той пахта толаси сотилган бўлса, “Шуйск Мануфактураси Ширкати” га эса биринчи сотувда 592 той, иккинчи сотувда 594 той, ҳаммаси бўлиб эса 1186 той, жами нархи 304924 рубл. 53 коп.бўлган 10087 пуд 45 фунт миқдорда пахта толаси сотилган.[7, В. 8-9]

Мазкур фонд ҳужжатларида, шунингдек пахта экиш билан шуғулланувчи шахсларнинг яшаш манзили, пахтани етиштириш учун олган қарзини тўлай олишга кодирлиги, уларга кафил бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар учрайди. Хусусан, 1917 йил 30-майдаги №11 сонли маълумотномада бир қатор шахсларни қарзини тўлашга кодирлигини текширишлик сўралган. Наманган шаҳрини Лаббайтоғ қисмида яшовчи Муталбойхожи Холдарбоев пахта экиш билан шуғулланган. Икромиддин Муллабадалбоев Наманган уездининг Тўрақўрғон волостидаги Қўрғонча қишлоғида яшаб, пахта экиш билан шуғулланган. Наманган уездининг Уйчи волостидаги Ёрқўрғон қишлоғида яшаган Боқи Қорабойсўфиев пахта экиш билан шуғулланган, унга шу волостнинг Уйҳаёт қишлоғида яшовчи Холмирзабой Ахматбоев кафил бўлган. 1917 йил 30-майдаги №12 сонли маълумотномага кўра эса, Андижон уездини Балиқчи волостидаги Қақирчек қишлоғида яшаб, пахта экиш билан шуғулланган Хамроқулбой Хотамхўжаевга ҳамқишлоғи Мирзабой Йўлчибоев кафил бўлган. Андижон уездини Балиқчи волостидаги Ўрмонбекчек қишлоғида яшаб, пахта экиш билан шуғулланган Абдуллабой Муҳаммадјусуповга ҳамқишлоқлари Фозилбой Мусабоев ва Хўжабек Эшалибоевлар кафил бўлган. 1917 йил 30-майдаги №13 сонли маълумотномага кўра Қўқон уездидаги Қорақалпоқ волостини Терак қишлоғида яшаган Абдужаббор Абдуқаҳҳоров ҳам пахта экиш билан шуғулланган. Андижон уездини Избоскан волостидаги Қўйқулоқ қишлоғида яшаган Мулла Саримсоқбоев ҳам деҳқончилик қилиб пахта билан савдо қилган. 1917 йил 01-июндаги №14 сонли маълумотномага кўра, Наманган уездини Капа волостидаги Шўркўрғон қишлоғида яшаган Абдурасул Бекназаров ва Бекмирза Бекназаровлар ҳам деҳқончилик қилиб, пахта экиш билан шуғулланишган. 1917 йил 01-июндаги №15 сонли маълумотномага кўра, Наманган уездини Хонобод волостидаги Узум қишлоғида яшаган Ўсмонохун Исабойхожиев деҳқончилик қилиб, пахта экиш билан шуғулланган. 1917 йил 01-июндаги №16 сонли маълумотномага кўра, Наманган уездини Чортоқ волостидаги Машад қишлоғида яшаган Абдуазизбек Қозибобоев деҳқончилик қилиб, пахта экиш билан шуғулланган, унга ҳамқишлоғи Муҳаммадқобулбой Холмухамедов кафил бўлган.[8, В. 52-57]

Маълумки, Туркистон ўлкаси пахтачилигининг маркази ҳисобланган Фарғона водийсидан Россия империясининг тўқимачилик корхоналарига пахта толасини ташиб олиб кетилишида темир йўллар муҳим ўрин тутган. Бу масалада Каспийорти темир йўли ҳамда Тошкент – Оренбург темир йўли тармоқлари муҳим аҳамият касб этган. Демак, ўлкамизда подшо ҳукумати томонидан темир йўл қурилишини амалга оширишдан асосий мақсад – пахта хом ашёсини у ердан иложи борича кўпроқ ва тезроқ ташиб кетишдан иборат эди. [9, Б. 70]

Петербургдаги «Кавказ ва Меркурий» жамияти 1890 йилда Самарқандда Ўрта Осиё бошқармасини, шунингдек, Тошкент, Андижон ва бошқа шаҳарларда эса бўлимларини таъсис этди. Ушбу жамият темир йўл ҳамда денгиз ва дарё пристанлари орқали Ўрта Осиёдан Россиянинг марказидаги худудларига юкларни ташиш билан шуғулланган. Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкатига тегишли пахта толаси, пахта чигитидан тайёрланган маҳсулотларни ҳам «Кавказ ва Меркурий» жамияти метрополияга ташиб етказиб берганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви фондларидаги материалларида баён этилган. [10, В. 17]

Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкати билан Қўқон биржа комитетини ёзишмаларидаги циркулярлар яъни фармойишларда, Қўқон биржа комитети қошидаги биржа нархларини белгиловчи котировал комиссиясини бюллетенлари яъни расмий ахборотларида Фарғона водийсидан пахта толасини темир йўл орқали метрополияга ташиб кетилиши тўғрисида маълумотлар бор. Темир йўл орқали ташиб олиб кетилаётган маҳсулотни тайёрлаган эгасини кўрсатиш мақсадида пахта толасига фирма белгиси ва толани сорти ҳам қўйилган бўлиб, ҳар бир вагонга битта марка берилган. Қўқон биржа комитети қошидаги биржа нархларини белгиловчи котировал комиссиясини № 15 сонли бюллетенида Фарғонадан 1916 йил 1-сентябрдан 1917 йил 15-январга қадар Тошкентга 5903 вагон, Красноводска 51 вагон, жами бўлиб 5954 вагон пахта толаси жўнатилгани тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган. Владикавказ темир йўли бошлиғининг берган хабарига кўра, 1916 йил 23-декабрдан 31-декабргача бир hafta мобайнида Каспий денгизи пароходчилигидан 49 вагон пахта қабул қилинган ва темир йўл орқали Москва ва Уралъска 21 вагон, Нарвага 25 вагон, Серпуховск ва Курскга 2 вагон, Херсонга 1 вагон жўнатилган. Айнан мазкур темир йўли бошлиғининг берган хабарига кўра, 1917 йил 1-январдан 7-январгача бир hafta мобайнида Каспий денгизи пароходчилигидан 20 вагон пахта қабул қилинган ва темир йўл орқали Москва ва Козонга 10 вагон, Горкинога 8 вагон, Кинешмага 2 вагон пахта толаси жўнатилган. [11, В. 15]

Атоқли тарихчи олим Ҳамид Зиёев таъкидлаганидек, пахта деҳқонлар томонидан машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатлар билан етиштирилди, лекин унинг ҳузурини бошқалар кўрди. Чунончи, етиштирилган пахта ҳосили турли фирмалар томонидан харид қилиниб, Россиядаги саноат корхоналарига жўнатиб турилди. Улар пахта тозалайдиган заводлар курдилар. Шунингдек, пахта плантацияларини ташкил этиш ва деҳқонларга қарз бериш йўли билан ҳам мўмай даромадни қўлга киритдилар. [12, Б. 26]

4. Хулосалар:

Баён этилганларга асосан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона вилоятида фаолият юритган бир қатор савдо-саноат ширкатларидан фарқли тарзда, Наманган пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш савдо ширкатига маҳаллий сармоядорлар томонидан асос солинган ҳамда ўзининг низомига эга бўлган. Мазкур ширкатнинг бошқариш тартиб қоидаларига тегишли иш юритиш ҳужжатларда кириш ҳамда чиқиш ёзишмалари қайд этиб борилган ва Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида сақланиб қолган. Бинобарин, ширкатнинг вакиллари томонидан пахта етиштираётган аҳолидан пахта хом ашёсини сотиб олинishi, пахта тозалаш заводида прессланган толани темир йўллар орқали метрополияга ташиб олиб кетилиши бўйича амалга оширилган барча жараёнлар акс этган айрим архив ҳужжатлардаги маълумотлар таҳлил этилиб, илмий муомалага киритилди.

Иқтибослар /Сноски/ References:

1. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР. Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т., 1948. – С. 181. (Guide. Central State Historical Archive of the UzSSR. Compiled by Z.I. Agafonova, N.A. Khalfin. - T., 1948. - S. 181.)
2. Потапова Н. Обзор архивных источников по истории предпринимательства в Туркестане во второй половине XIX – начале XX века // «Ўзбекистон тарихи». – 2001. - №1. -Б. 58-59. (Potapova N. Review of archival sources on the history of entrepreneurship in Turkestan in the second half of the 19th - early 20th century // "Uzbekiston Tarihi". - 2001. - No. 1. B. 58-59.)
3. ЎзР МА. 214-фонд, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд, 50-51 варақ. (UzR NA. Fond 214, List 1, Volume 116, Sheets 50-51.)
4. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: «Шарк», 2001. – Б. 464. (Evidence and lessons of history: the development of the national treasures of Uzbekistan in the tsarist and Soviet colonial period. - T. : "Shark", 2001. - B. 464.)
5. Зиёев Ҳ. “Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси (Тарихнинг долзарб масалалари)”. - Т.: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 288. (Ziyoev X. "History - a mirror of the past and the future (current issues of history)." - T. : G '. Publishing house of literature and art Gulom, 2000. - B. 288.)
6. ЎзР МА. 214-фонд, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд, 42-44 варақ. (UzR NA. Fond 214, List 1, Volume 116, Sheets 42-44.)
7. ЎзР МА. 214-фонд, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд, 8-9 варақ. (UzR NA. Fond 214, List 1, Volume 116, Sheets 8-9.)
8. ЎзР МА. 214-фонд, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд, 52-57 варақ. (UzR NA. Fond 214, List 1, Volume 116, Sheets 52-57.)
9. Абдумалик Раззоков. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 300. (Abdumalik Razzokov. The history of cotton growing in Uzbekistan (past and present). - T. : Uzbekistan, 1994. -P. 300.)
10. ЎзР МА. 506-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 17-варақ. (UzR NA. Fond 506, List 1, Volume 3, page 17.)
11. ЎзР МА. 214-фонд, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд, 15-варақ. (UzR NA. Fond 214, List 1, Volume 116,page 15.)
12. Зиёев, Ҳамид. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: Шарк, 2006. – Б. 352. (Ziyoyev, Hamid. Uzbekistan is under colonial yoke (the second half of the 19th century - the beginning of the 20th century). - T.: "Shark", 2006. - P. 352.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000